

PUDRAT SHARTNOMASI

Nukus tumani Xalq ta'lim bo'limi nimidan M.Tadjetov (keyingi urinlarda "Buyurtmachi" deb yurituvchi), ikkinchi tomondan "BESQALA MASTER" MChJ nomidan ustavi asosida harakat qiluvchi B Aitmuratovkeyingi o'rinlarda ("Pudratchi" deb yuritiladi) mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar.

1. SHARTNOMA PREDMETI

1.1. Ushbu shartnoma buyicha "Pudratchi" «Buyurtmachi»ning buyurtmasiga va tuzilgan loyiha smeta hujjatlariga asosan Nukus tumani "Qrantaw" OFYda joylashgan 29-sonli maktab filiali imorati joriy ta'mirlash, «Buyurtmachi» "Pudratchi" tomonidan loyiha smeta buyicha bajargan ishlarni dalolatnoma asosida qabul qilib olishni hamda tulovni uz vaqtida amalga oshirishni uz zimmalariga oladilar:

1.2. Ushbu shartnomaning umumiy summasi 258 500 000 (iki yuz ellik sakkiz million besh yuz ming) so'mni QQS bilan birga tashkil etadi, shunнан QQS summasi 33805797 (Otiz yil million sakkiz yuz besh ming etti yuz toqson etti) so'm 00 tiyin

2. SHARTNOMA BAHOSI

2.1. Shartnoma bahosi 258 500 000 so'mni tashkil etadi.

2.2. Shartnoma bahosi o'z ichiga quyidagilarni oladi: tomonidan Ushbu shartnomaning umumiy summasi 258 500 000 (iki yuz ellik sakkiz million besh yuz ming) so'mni

2.2. Tamirlash ishlarining boshlanishi « 13 » sentyabr 2022 yil.

2.3. Tamirlash ishlarining tugashi vaqti « 13 » noyabr 2022 yil.

3. TA'MIRLASH ISHLARINI BOSHLASH, BAJARISH VA TUGATISH BUYICHA SHARTNOMAVIY MUDDATLAR

3.1. Tamirlash ishlarini bajarish muddati mazkur shartnomaning 2.3. bandida kursatilgan muddatgacha amalga oshiriladi.

3.2. Shartnomadagi 3.3 bandida kursatilgan avansni «Pudratchi» olgandan sung tamirlash ishlarini boshlaydi.

3.3. Ozbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2021 yil 16 martdagi 139-sonli qaroriga asosan byudjetdan mablag' oluvchilarning byudjet mablag'lari hisobiga tuziladigan shartnomalarida, qoidaga kura, **30 foiz miqdorida** oldindan haq (avans) tulash nazarda tutilgan

3.4. «Buyurtmachi» tomonidan ta'mirlash ishlarini bajarish davrida «Pudratchi»ga uzi tomonidan xarid qilingan qurilish materiallarini taqdim qilishi mumkin.

3.5. Tamirlashni tuxtab qolganligi uchun sababchi bulgan tomon buning oqibatida kelib chiqadigan har qanday kamomad yoki javobgarlikni uz zimmasiga oladi.

3.6. Tamirlashni tugallab foydalanishga topshirish uchun tuzilgan komissiya dalolatnomasi tasdiqlangandan sung tamirlash ishlari tamom bulgan deb hisoblanadi.

4. TULOV SHARTI VA TARTIBI

4.1. Ushbu shartnomaning umumiy narxi 258 500 000 (iki yuz ellik sakkiz million besh yuz ming) so'm QQS bilan birgata tashkil etadi. «Buyurtmachi» tamirlash ishlarini boshlash uchun «Pudratchi»ga shartnoma narxining 30 % yoki 77550000

(Etmish etti million besh yuz ellik ming) so'm sakson tiyin miqdorda oldindan tulov (avans)ni tulaydi va bu oldindan tulov 2022 yilning sentyabr oyida amalga oshiriladi. «Buyurtmachi» tomonidan yakuniy 70 % tulov «Pudratchi» ishlar bajarilganligini tasdiqlovchi hujjat taqdim qilgandan sung amalga oshiriladi.

4.2.«Buyurtmachi» tulobni pul utkazish yuli bilan amalga oshiradi.

4.3.«Pudrat» tashkiloti tomonidan shartnomada kursatilgan summadan oshikcha bajarilgan ishlar uchun «Buyurtmachi» tomonidan tulovlar amalga oshirilmaydi.

5. PUDRATCHINING XUKUKVA MAJBURIYATLARI

Shartnoma 258 500 000 (iki yuz ellik sakkiz million besh yuz) sum bulgan tamirlash ishlarini shartnomaning

5.1 bandida kursatilgan muddatda bajarish va uz vaktida sifatli kilib topshirish.

5.2. Pudratchi maxsus tamirlash ishlarini bajarish uchun maxsus yollanma pudratchi tashkilotlarni jalb kilish xukukiga ega.

5.3. Har oyning 25 sanasida utgan oyda bajarilgan qurilish montaj ishlari tugrisidagi tegishli hujjatlarni «Buyurtmachi»ga taqdim kilishi shart.

5.4. Pudratchi shartnomada nazarda tutilgan mablag doirasida ishlarni bajaradi va shunga muvofik bajarilgan ishlar tugrisida dalolatnomani tuzadi.

5.5. Oyida bir marta xar oyning 5-kunidan kechiktirmay «Buyurtmachi»ga utgan oyda qilingan ishlar uchun tulov schyoti (xisob faktura)ni takdim kiladi shuningdek xisob faktura «Buyurtmachi» tomonidan tasdiqlab berilgandan sung 5 (besh) ish kuni muddatda Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2019 yil 25 iyundagi 522-sonli qaroriga muvofiq elektron kurinishda EXF operatorlari orqali junatadi;

5.6. Pudratchi Buyurtmachidan bajarilgan xizmat uchun xakni shartnomaning 4.1bandiga asosan kelishilgan vaktida va mikdorda tulanishini talab kilish xukukiga ega.

6. BUYURTMACHINING XUQUQ VA MAJBURIYATLARI

6.1 «Buyurtmachi» «Pudratchi»dan tamirlash ishlarini uz vaqtida xamda belgilangan standartlarga va amaldagi qonunchilikka asosan topshirishini talab kilish xukukiga ega.

6.2 «Buyurtmachi» tasdiqlangan smetasiga muvofiq byudjetda nazarda tutilgan mablag doirasida shartnoma tuzadi va shartnoma summasiga muvofik dalolatnomani «Pudratchi» bilan birgalikda tuzadi.

6.3 «Pudratchi» tomonidan shartnomaning 5.5-bandida nazarda tutilgan muddatlarda taqdim qilingan tulov schyoti (xisob-faktura)ni qabul qilib oladi va 60 kun ichida qilingan ishlar uchun tulovni amalga oshiradi.

6.4. Sifatsiz xizmat kursatilganda «Buyurtmachi» xizmatni kabul kilib olishdan voz kechishi va kamchiliklarni bartaraf qilish tugrisida 3 kun ichida pudratchini yozma ravishta xabardor qiladi.

7. TARAFLARNING JAVOGBARLIGI.

7.1.«Pudratchi» «Buyurtmachi» tomonidan takdim kilingan loyixa smeta hujjatlariga asosan qurilishni uz vaktida lozim darajada bajarmaganda yoki sifatsiz qilinganligi uchun xar bir kechiktirilgan kun uchun ushbu ishlar bajarilmagan kismining summasidan **0,5%** miqdorida, lekin bajarilmagan ishlar summasining **50 %** idan ortik bulmagan mikdorda penya tulaydi. Penyani tulashtirish shartnoma majburiyatlarini buzgan tarafni tovarlarni etkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborish, tuliq etkazib

bermaslik, ishlarni bajarmaslik yoki xizmatlarni kursatmaslik oqibatida etkazilgan zararni qoplashdan ozod etmaydi.

7.2. Agar bajarilgan ishlar sifati bwyicha standartlar, texnik shartlar, namunalarga (etalonlarga) qonunchilikda yoki xujalik shartnomasida belgilangan boshqa majburiy shartlarga mos kelmasa, buyurtmachi ishlarni qabul qilish hamda ularning haqini tulashtirish rad etib, pudratchidan sifati lozim darajada bulmagan ishlar qiymatining **20** foizi miqdorida jarima undirib olishga, agar ishlar haqi tulab quyilgan bulsa, tvlangan summani belgilangan tartibda qaytarishni talab qilishga haqlidir. Sifati lozim darajada bulmagan ishlar uchun, jarima pudratchidan akseptsiz tartibda undirib olinadi.

7.3. «Buyurtmachi» «pudratchi» tomonidan bajarilgan ishlar uchun tulov schyoti (xisob faktura) takdim kilingandan sung moliyalashtirish shartnomada belgilangan vaqtda amalga oshirilmasa kechiktirilgan kun uchun tulov schyoti (xisob faktura) summasining **0,4** % miqdorida, biroq tulov schyoti (xisob faktura) summasining **50%** idan ortiq bulmagan miqdorda penya tulaydi, bunda Buyurtmachiga bogliq bulmagan holatlar bundan mustasno.

8. KORRUPCIYAGA QARSHI KURASHISH SHARTLARI.

8.1. Taraflar shartnoma buyicha uz majburiyatlarini bajarayotganda Uzbekiston Respublikasining korrupciyaga qarshi kurashish tugrisidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan harqanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shujumlardan, poraberishni taklif qilmaydi, vadabermaydi, tovlamachilik qilmaydi, pora sifatida pul tulamaydi, bevosita yoki bilvosita pora olish garozilik bermaydi yoki pora, yani taraflardan biriuz xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini kuzlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yoki mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olmaydi. Taraflar ushbu harakatlarga yul quymaslik buyicha choralar kurilishiga kafolat beradi.

8.2 Agar shartnoma bwyicha bir taraf boshqa tarafning axloqqa tugri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki Uzbekiston Respublikasi qonunchiligiga zid keladigan hatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupciyaga oid huquqbuzarliklar sodir etishga majburlashdan iborat bulgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilish kerak: "1008" ishonch telefoni, telegram-kanali "@anticorbot" orqali, yoki hududiy prokuratura organlariga bildirish lozim.

9. FORS-MAJOR HOLATLARI.

9.1 Taraflar ixtiyoriga bogliq bulmagan, ularni oldindan bilish yoki oldini olish imkoniyati bulmagan holatlar (engib bulmas kuch) oqibatida majburiyatlarni bajarmaganlik yoki etarli darajada bajarmaganlik uchun taraflardan birortasi ikkinchi taraf oldida javobgar emasdir. Bunday holatlar jumlasiga epidemiyalar, tabiiy ofatlar, harbiy harakatlar kiradi.

9.2 Vakolatli organ tomonidan berilgan guvohnoma engib bulmas kuch mavjudligi va amal qilishining davomiyligini tasdiqlash uchun etarli hujjatdir.

9.3 Uz majburiyatlarini bajara olmayotgan taraf engib bulmas kuchning mavjudligi va uning shartnoma buyicha majburiyatlarini bajarishiga tasiri haqida ikkinchi tarafga xabarnoma berishi lozim. Agar engib bulmas kuch holatlari uzluksiz 15 kun davomida amal qilib tursa va yaqin muddat ichida bekor qilinishi ehtimoli bulmasa, mazkur shartnoma taraflardan birining tashabbusi bilan ikkinchi tarafga yozma bildirishnoma yuborish yuli bilan bekor qilinishi mumkin.

10. KELISHMOVCHILIKLARNI XAL KILISH TARTIBI.

10.1 Ushbu shartnomani tuzish, bajarish, uzgartirish va bekor qilish bilan bog'liq, tomonlar urtasida kelib chiqadigan, shuningdek, etkazilgan zararni qoplash tu'grisidagi nizolar taraflarning o'zaro kelishuvi yoxud qonun hujjatlarida belgilangan tartibda sud orqali hal etiladi.

11. SHARTNOMANING AMAL KILISH MUDDATI.

11.1. 2014 yil 1 yanvardan amalga kiritilgan Uzbekiston Respublikasi Byudjet kodeksining 122-moddasi hamda UzR Moliya Vazirligiining 2016 yil 22 noyabrda 88-son buyru'gi bilan tasdiqlangan "Byudjet tizimi byudjetlarining g'azna ijrosi Qoidalari"(Adliya vazirligida 2016 yil 22 dekabrda 2850-son bilan ruyxatdan utkazildi)ga asosan shartnoma tegishli tartibda g'aznachilik bulimi ruyxatidan utkazilgandan sung qonuniy kuchga kiradi xamda **31.12.2022** yilgacha amalda buladi.

11.2. Shartnoma ikki nusxada tuzilgan bulib xar biri bir xil kuchga ega xisoblanadi va taraflarga bir nusxadan saklanadi.


12. TOMONLARNING YURIDIK MANZILLARI VA BANK REKVIZITLARI:


Pudratchi:
OOO " BESQALA MASTER "


Buyurtmachi:
Nukus tumani Xalq ta'lim bo'limi

Hisob-kitob raqami
20208000600924235001

Hisob-kitob raqami
100022860352257092100075048
STIR 200388421

STIR_305731828
Rahbar  B. Aitmuratov

(vakolatli shaxs F.I.Sh. va imzosi)
Rahbar:  M. Tadjetov

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	MURAT TADJETOV SHAMURATOVICH
	Imzolangan sana	13 ceH 2022 17:12
	Hujjat kodi	BH5401873604
	Hulosa kodi	LK8836245285

**Юридикалик аҳамиятга эга ҳужжатнинг қонун ҳужжатларига
мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий
ХУЛАСА**

1. Лойҳанинг номи: Пудрат шартномаси

2. Лойҳанинг мазмуни: Нукус тумани Халқ таълим бўлими ва “BESQALA MASTER” МЧЖ ўртасида Нукус тумани №29-сонли урта таълим мактабни жорий таъмирлаш бўйича 258 500 000 сўмлик шартнома лойҳаси.

3. Лойҳанинг ишлаб чиқарувчи ва санаси юзасидан: Лойҳа Нукус тумани ХТБ томонидан 13.09.2022 йили тағдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353-354-моддасига асос, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўрисидаги қонуний, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2017 йилги 3953-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига талабларига амал қилинган.

Ушбу шартнома лойҳаси амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинган ва ушбу шартномани тузиш мақсадга мувофиқ.

Нукус тумани

Юридик хизмат курсатиш

марказ бошлиғи



М.Утепбергенов

13.09.2022

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №6

Нукус тумани

2022 йил 13-сентябрь

Нукус тумани

Нукус тумани Халк талим булими номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар **М.Таджетов** бир томондан кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб аталиб, буюртмачи номидан ва **МЧЖ “BESQALA MASTER”** номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар **Б.Аймурадов** иккинчи томондан кейинги ўринларда «**Пудратчи**» деб аталиб, пудратчи номидан, Нукус тумани Халк талим булимига карашли №29 сонли мактаб биносини жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

Ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

Вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Нукус тумани Халк талим булимига карашли №29 сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш** бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (энг яхши таклифларни танлаш) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 08-сентябрь кунги (электрон баённома, Лот №145094) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нарҳларда (шу жумладан 15%ҚҚС 33805797 (отиз уш миллион етти юз саксон саксон беш минг етти юз туксон етти) сўм билан **Нукус тумани Халк талим**

булимига карашли №29 сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш бўйича курилиш ишларини бажариш учун жами 258 500 000 (икки юз эллик саккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади. (Пудратчи Б.Аймуратов)

5. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас. Куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш муддатини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;

- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортиска узгартирилганда.

6. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг қучи ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- 1-иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссиқ овқат билан таъминлаш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бешлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- курилиш майдонини куриклашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофик, ҳар ҳисобот ойнаинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, акс ҳолда ҳисобот ойда 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорда Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги конун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни уз қучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хоҳиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда куриб чикиш ва қарор кабул килиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» узаро ҳисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг фойдаланишга топшириш муддати Пудратчининг ҳисоб рақамига шартнома буйича умумий қийматининг аванс пуллари келиб тушган кунидан сунг 15(он беш) кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс утказди, қолган 70 % маблағ топширилган иш ҳажмининг бажарилишига мувофик(ҳисоб-фактура, далолатнома асос) тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

20. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда ҳабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тулов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.
22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
23. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
24. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга рўйя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
26. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.
28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
29. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.
Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.
30. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.
31. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янғидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли қорхоналарга топширади.
32. Пудратчи узи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.
33. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурулишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурулишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
35. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.
36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг

талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

38. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниси, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узид-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарыда уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклаш.

40. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари.

42. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари 1 ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

44. Агар томонлар 2 ой ичида келиша олмасалар у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш.

45. Курилиши тугулланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тугилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш

тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қуриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

47. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

49. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан 1 ойдан қура вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қурайдиган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қурадиган даражада бузилганда;

қурун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бироқ муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича таклиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

58. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:
иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдориди жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва

унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифдаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат утқазиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нукустуманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

68. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

69. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сакланиб қолиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

70. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб қеладиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши қерак.

72. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни қечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

74. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб ҳудудий газначилик булинмаларидан руйхатдан утқазилгандан сунг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

75. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик қучга эгадир.

XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

76. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сунг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар қодир қилинмасликка қелишиб оладилар.

77. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

78. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

79. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари хар қандай вақт ва шакилда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинадиган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, таъзияк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

80. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослари, хисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; - коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

81. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзияк ўтказилмаслигини қафолайдилар.

82. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 79 ва 80-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар

кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

БУЮРТМАЧИ:

Нукус тумани Халқ талим бўлими
Манзили: Нукус тумани, Узбекистон
кучаси р/з уй

Банк: МБББ_ХККМ Ташкент ш.
Х/Р: 23402000300100001010.

МФО: 00014 ИНН: 200388421

Х/р: 100022860352257092100075048

ОКЭД: 84130. ОКОНХ 92310.

Нукус тумани Газначилик бўлими

Раҳбар:  М.Таджетов

М.У.



ПУДРАТЧИ:

ООО "BESQALA MASTER "

Манзили: Нукус шаҳар, Газли кучаси
72-уй


Тел/Факс: +99897-348-84-88

ИНН: 305731828

Банк: Капитал банк Нукус филиаль.

р/с: 20208000600924235001

ОКЭД: 41202 МФО: 01038

Раҳбар: 

Б.Аймуратов

М.У.



Коррупцияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Нукус тумани Халқ талим ва МЧЖ «BESQALA MASTER» ходимлари ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (Нукус тумани Халқ талим бўлинмаси) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган 1203-рақамли ишонч телефони;

Телеграм-канали (“@QRKQGAK_bot”).

ТОМОНЛАР:

Бажарувчи:
МЧЖ «BESQALA MASTER»

Б. Аймуратов
(Ф.И.О.)



Буюртмачи
Нукус тумани Халқ талим
бўлин

М. Гаджетов

(Ф.И.О.)

(ИМЗО) _____



«ТАСТЫЙЫҚЛАЙМАН»
Нөкис районы Халық Билимлендириу
бөлими баслығы М.Таджетов
« 12 » - сентябрь 2022-жыл

Нөкис районы халық билимлендириу бөлимине қараслы улыўма орта билим бериу мектеп имаратына жеңил ремонт жумысларын алып барыу бойынша таңлау комиссиясы”ның ең жақсы уынысларды таңлап алыу бойынша өткерилген
15-санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл “ 12 ” сентябрь

Нөкис районы

Қатнасыўшылар

Комиссия баслығы

Комиссия ағзалары

М.Таджетов	Нөкис районы халық билимлендириу бөлими баслығы, комиссия баслығы
А.Торешов	Нөкис районы ХББ бас есапшы, комиссия ағзасы
Қ.Қонарбаев	Нөкис районы ХББ АОЭХБ баслығы, комиссия ағзасы
С.Артықбаев	Нөкис районы ХББ АОЭХБ бас кәнийгеси, комиссия ағзасы
И.Минажов	Нөкис районы ХББ кадрлар бойынша инспектор методист, комиссия ағзасы
А.Халмуратов	Нөкис районы ХББ АОЭХБ кәнийгеси, комиссия ағзасы

КҮН ТӘРТИБИ:

Нөкис районы халық билимлендириу бөлими - Таңлап алыу комиссиясы баслығы М.Таджетов мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усинды:
Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар ҳаққында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ең жақсы уынысларды таңлап алыу өткерилиуи ҳаққында арнаўлы информацийон порталында (<https://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлау қатнасыўшыларының қабыл етиу мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылған 2022-жыл 30-августь **145094**-санлы лот бойынша хеш кандай шағым келип түспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар ҳаққында”ғы Нызамы талапларына хәмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапка алып таңлау комиссиясы

Қ А Р А Р Е Т Е Д И :

1. Нөкис районы халық билимлендириу бөлимине қараслы 29-санлы улыўма орта билим бериу мектелери имаратын жеңил ремонт жумысларын әмелге асырыу мақсетинде өткерилген таңлап алыу таңлау хўжетлеринде хәм таңлау шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усинған хәм таңлап алыу жеңимпазы деп табылған “**BES QALA STROY**” ЖШЖти **258 500 000.00** сум менен шәртнама дузилсин.
2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шәртнама дүзиу хукуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, “**NUKUSSTROYMONTAJ**” ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дүзиу мүмкинлиги белгилеп койылсын.
3. Нызам талапларына мууапық таңлау қатнасыўшыларының усынысларын көрип шығыу хәм бахалау мүддети усыныслар бериу тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиуи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын қабыл етилсин.


4. Мекеменин бас есапшысы - А.Торешовка таңлаў алыў жуўмағы бойынша жеңимпазы менен шәртнама хўжетлерин таярлаў хэмде шәртнама дўзилген соң 3 (ўш) жумыс кўни ишинде арнаўлы инфомацион порталына (<https://etender.uzex.uz/>) жайластырыў тапсырылсын.

5. Танлаў комиссиясы хаткери (С.Артыкбаев), усы танлап алыўға тийисли барлык хўжетлерди белгиленген тәртипте сақланыўын тәмийнлесин.

Қатнасыўшылар

Имзасы


Комиссия баслығы



М.Таджетов

Нөкис районы халық билимлендириў бөлими баслығы, комиссия баслығы

Комиссия ағзалары



А.Торешов

Нөкис районы ХББ бас есапшы, комиссия ағзасы

Қ.Қонарбаев

Нөкис районы ХББ АОЭХБ баслығы, комиссия ағзасы

С.Артыкбаев

Нөкис районы ХББ АОЭХБ бас кәнийгеси, комиссия ағзасы

И.Минажов

Нөкис районы ХББ кадрлар бойынша инспектор методист, комиссия ағзасы

А.Халмуратов

Нөкис районы ХББ АОЭХБ кәнийгеси, комиссия ағзасы